

## КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАТИВ ЎҚИТИШНИНГ МУАММОЛАРИ Ж.М.Муҳаммадиев

Қашқадарё вилояти китоб тумани иқтисослаштирилган мактаб математика ўқитувчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7442760>

**Аннотация.** Ушибу мақолада ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишилари билан биргаликда, ўз фикрини бошқаларга тушунтира олиш, бошқаларни тинглаб уларни тушуна олиш, баҳсга киришиши, кундалик ҳаётда муваффақиятларга эришиши учун ўқувчи ушибу ахборотларни излаб топиши, таҳлил қилиши, билим, кўникма ва малакалардан кундалик ҳаётларида учрайдиган муаммоларни ҳал этишида фойдалана олишларини шакллантириши таъкидланган.

**Калим сўзлар:** ахборот компетенцияси, ахборот саводхонлик, технология, педагогик технология, интеграциялашган ахборот-таълими.

### ПРОБЛЕМЫ ИНТЕГРАТИВНОГО ОБУЧЕНИЯ В КОМПЕТЕНТНОСТНОМ ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация.** В данной статье вместе с приобретением учащимися знаний, умений и навыков, умения объяснять свое мнение другим, уметь слушать других и понимать их, вступать в споры, добиваться успеха в повседневной жизни, находить эта информация, анализ, знания, навыки и умения, встречающиеся в повседневной жизни, подчеркивается, что они могут использовать ее для решения проблем.

**Ключевые слова:** информационная компетентность, информационная грамотность, технология, педагогическая технология, интегрированное информационное образование.

### PROBLEMS OF INTEGRATIVE TEACHING IN COMPETENCE EDUCATION

**Abstract.** In this article, together with students' acquisition of knowledge, skills and abilities, the ability to explain one's opinion to others, to be able to listen to others and understand them, to engage in arguments, to achieve success in everyday life, to find this information, analysis, knowledge, skills and abilities encountered in everyday life. it is emphasized that they can use it to solve problems.

**Keywords:** information competence, information literacy, technology, pedagogical technology, integrated information-education.

Янги асрда жамиятнинг барча соҳаларини шиддат билан қамраб олаётган глобаллашув жараёни дунё миқёсида таълимнинг ҳам зиммасига янгидан-янги вазифаларни юклади. Давр фан асосларидан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш фаннинг ҳам, таълимнинг ҳам асосий муаммосига айлантириб қўйди. Натижада таълимда ўқувчиларнинг муайян нутқий вазият, шароит ва маданий мухитда ўрганадиган фан асосларидан оқилона, самарали фойдаланиш компетенциясини ривожлантириш масаласи билан шуғулланиши зарурлиги белгилаб берилди.

Энг мухими, таълимда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишилари билан биргаликда, ўз фикрини бошқаларга тушунтира олиш, бошқаларни тинглаб уларни тушуна олиш, баҳсга киришиш, кундалик ҳаётда муваффақиятларга эришиши учун ўқувчи ушбу ахборотларни излаб топиши, таҳлил қилиш, билим, кўникма

ва малакалардан кундалик ҳаётларида учрайдиган муаммоларни ҳал этишда фойдалана олишларини шакллантириш зарур.

Жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар халқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларнинг турли тармоқлари учун ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук , назарий,амалий ва касбий тайёргарлиги юкори кадрлар етказиб беришни талаб етмоқда.

Фан-техника ва жамиятнинг ижтимоий ривожланиши шахснинг фаоллигига боғлиқ бўлиб ўз навбатида бевосита таълим ва тарбия,кадрлар тайёрлаш жараёнида ўзига хос талаб кўяди.

Фанда “фаоллик” тушунчасига ҳар-хил таърифлар берилган. Масалан, М.И.Лисина “фаоллик” тушунчаси психологияда учта турли ҳодисани,яъни индибиднинг маълум муайян фаолиятини ,пассивликка қарама-қарши ҳолатни ва ташаббускорликни ёки реактивликка қарама-қарши бўлган ҳодисани ифодалаш учун бир хилда кўп кўлланилишини таъкидлади.

Билиш жараёни инсон фаолиятининг алоҳида шакли бўлиб инсоннинг мақсадлари ва фаолиятининг ўзи билан узвий боғлиқ. Шу сабабли ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши фаол, мақсадли билиш ва амалий фаолият билан боғлиқ . Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ўз-ўзича фаолияти тамоили ўқув жараёнини ташкил қилиш ва олиб бориш амойилларидан бири бўлиб, унинг эҳтиёж-мотив томонини белгилайди. Ўз-ўзича фаолият ўқувчилар ўз фаолият мақсадини белгилашда бевосита иштирок этганда , ўқитишининг ташки мақсадлари уларнинг ички,шахсий манбаатларига айланганда ,яъни ўқувчилар ўқув жараёнининг тўлақонли субъектига айланганда намоён бўлади.

Яқин вақтларгача ўқувчилар асосан индивидуалга хос бўлган фаоллик даражаси билан банд эдилар,айрим ишлардагина ўқувчи фаоллигини сифат жиҳатдан ўзгартириш имкониятлари ўрганилган.Бунинг учун ўқувчилрда у ёки бу фаолият мотивга ,эҳтиёж ўйготиш керак. Бу ўринда В.С.Мерлиннинг “машина ҳаракатидан фарқли ўлароқ ,инсон ҳаракатларини фақат мотивларни бошқариш билангина бошқариш мумкин” дэган фикрига қўшилмаслик мумкин эмас.

Ўқув материалининг ранг-баранглиги ,ёрқинлиги,эмоционаллиги,унинг ўқувчилар учун қулайлиги,мақсадга мувофиқлиги,аввал эгаллаган билимлари билан алоқадорлиги, ўқувчилар ишларини тез-тез назорат қилиш ва баҳолаш,шунингдек, уларнинг мустақил изланиш жараёнига ,муаммоли характердаги масалаларни ҳал этишга жалб этиш каби шартлар ихтисослашган мактаб ўқувчиларнинг мутахассислик фанларини яхши ўзлаштиришга ва бошқа фанларни билишга қизиқишининг юзага келиши ва ривожланишига кўмаклашади.

Илфор педагоги тажрибаларни ўрганиш натижалари кўрсатдики, интеграцияланган ёндашув таълим жараёнининг ўзида мужассам бўлган улкан тарбиявий имкониятлардан фойдаланиш,ўкув-тарбия вазифаларини ҳал қилишда бир ёқламалиликни бартараф қилиш, ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва фаолиятини ривожлантириш, ўкув-тарбия жараёнини оптималлаштириш ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади. Ўқувчиларда ўзига нисбатан ижодий муносабатни талаб этади.

Интегратув ёндашув фанлараро алоқадорликдан масалаларидан бошланиб ўз тарихий-педагогик меросига, ўз ривожланиш тарихигава бугунги кундаги ечимларига турлича ёндашувларига эга. Бу муаммонинг мураккаблиги ,педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқасининг заифлиги , муаммонинг умуман илмий билишнинг ривожланиши

билан ўзаро алоқадорлиги етарлича ривожлантирилмаганлиги билан изоҳланади. К.Д.Ушинский таъкидлаганидек, "Фанлараро алоқадорлик муаммосини ўрганиш кўрсатадики, бу муаммонинг ривожланиши фалсафий билимлар ривожи, фанларнинг интеграцияси ва дифференсацияси суръатлари, ижтимоий ва педагогик муаммоларнинг уйғунликда ривожланиши билан белгиланади.

Ихтисослашган мактаб умумтаълим ва мутахасислик фанлари мазмунини интеграциялаш, ундаги ишларни яхшилаш, педагогик жамоалар ва алоҳида ўқитувчиларнинг ижодий салоҳиятини ўқувчиларга янада самарали таъсир кўрсатиш мақсадида ривожлантиришга кўмаклашадиган янги педагогик ёнимларни фаол излашнинг ўйналишларидан бири.

Шундай қилиб, умумтаълим ва мутахасислик фанлари мазмунини интеграциялаш предмет тизимини инкор қилмайди, уни такомиллаштиришнинг, камчиликларни бартараф қилишнинг эҳтимолий йўлларидан бири саналади ва ўқув фанлари ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқликларини чукурлаштиришга қаратилади.

Интегратив дарслар педагогик жараёнга интегратив ёндашувнинг хусусий кўриниши бўлиб, унинг моҳияти яхлит, кўп қирралиқ, барча усул ва методларнинг таълим-тарбияга йўналганлиги, мазмуннинг изчиллиги, ташкил қилишнинг режали ва мувофиқлаштирилганлиги каби белгиларда очиб берилади.

Интеграциялашган дарсларни ишлаб чиқишининг асоси Г.Ф.Федорец томонидан асослаб берилган интеграцияланган – мавзули ёндошув бўлиб, таълим жараёни бирлиги сифатида дарс эмас, балки ўқув фанининг мавзуси олинади.

"Металларга ишлов бериш технологияси" мутахасислиги фанидан интегратив-мавзули ёндашув асосида ўрганилаётган мавзу бошқа фанлар билан, шунингдек бошқа ўқув фанларининг турли мавзулари билан боғланиш мумкинлигини аниқлаш имконини беради, яъни ўрганилаётган мавзуда мавзулараро, курслараро ва фанлараро алоқадорлик бир пайтнинг ўзида амалгам оширилиши мумкин. Масалан, "Йўнишда кесиш режими элементларини танлаш "мавзуси математикада, физика, кимё, техникавий чизмачилик, техникавий механика, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, материалшунослик, машинасозлик технологияси дарсларида, ишлаб чиқариш ва ўқув амалиётларида ўрганилади. Материални шу тариқа кўзда тутиш керакки, ўрганилаётган мавзу ўқувчиларни, умумтаълим, умумкасбий фанларидан олган билимларидан фойдаланиш учун, ўқитувчиларнинг табиат қонунларини ўқувчиларга яхшироқ, чуқурроқ тушунтиришлари учун, уларнинг ўз ихтисосликлари бўйича олган тажрибаларидан фойдаланиш зарур, Мавзуни ўқитиш жараёнида унинг бутун ранг-баранглигига, кўп қирралигига қўриш имконини берадиган ўзаро алоқадорлиги ҳисобга олинади.

Ихтисослашган мактабларида интегратив-мавзули ёндашувни таъминлаш орқали:

- Ўқувчиларнинг билим, кўникум ва малакаларини мунтазам ривожлантириб боришига шароит яратиб бериш;
- Ўқувчиларнинг вақт ва кучларини тежаш;
- Дидактиканинг элементар қоидасига кўра соддадан мураккабга тамойили асосида аввалги эгалланган билимларни янги билимлар билан бойитиб бориши;

- Узлуксиз таълим талаблари асосида ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимида фанлараро ва курслараро алоқадорликни таъминлаш асосида ноўрин такрорланишларга чек қўйиш;
- Бир-бирини такомиллаштириб борувчи дастурий хужжатларни такомиллаштириб бориш ва шу асосда таълим самарадорлигига эришиш;
- Интеграл дастурлар асосида ўқув-билив жараёнининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлик даражасини аниқлаш кабилар амалгам оширилади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса ўрнида айтиш мумкинки, академик лицей ва қасб-хунар коллежларида умумтаълим ҳамда мутахасислик фанларини мазмунини интеграциялашда, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантириш ва ўқув материалларининг изчиллик билан баён қилиниши ўқувчиларнинг узлуксиз ва тизимли тарзда мустақил иш олиб боришиларини, уларнинг билимларини оширишга, тўлдиришга ҳамда кичик мутахасисликларнинг келажакдаги қасбий фаолиятлари учун зарур бўлган билим, қўникма ва малакалар ҳосил қилишини таъминлайди.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 14 (774)-сон, 230-модда // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Абдуллаева Б.С. Формирование информационной компетентности школьника. Formation of information competence of students // Eastern European Scientific Journal. AURIS Kommunikations - und Verlagsgesellschaft mbH Dusseldorf. Germany: Ausgabe 3. 2018.
3. Алимов Б.Н. Компетенциявий ёндашув – ўқувчиларнинг математик саводхонлиги ва маданиятини ошириш воситаси сифатида. // «Узлуксиз таълим» илмий-услубий журнали. № 1.
4. Мұхаммадиев Ж.М. Латипов.А. Мактаб ва академик литеј геометрия курсини боғлаб ўқитишида интерфаол метод ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш Республика илмий-амалий конференция материаллар. Мақолалар тўплами. Тошкент.2016-йил 28-июн
5. Françoise Delamare Le Deist., Winterton Jonathan. What is Competence? – Human resource development international, – Taylor & Francis Ltd. Vol. 8